

Қонун нормалари жиддий бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2013 йил 8 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2013 йил 21 июндаги ҳукмига асосан, Ж, А ва Қ. Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўлланиб, 3 йилдан синов муддати белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Раёсатининг 2014 йил 10 январдаги қарори билан ҳукм ҳамда кассация инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ж, А ва Қ. 2013 йил 6 мартга ўтар кечаси мастлик ҳолатида вояга етмаган Б.ни уриб-тепиб, унинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган йўловчи "Матиз" автомашинасида дарё бўйига олиб боришган. Кейин Б.нинг қўлларини темир сим билан боғлаб, дарёга ташлаб юбориш билан қўрқитиб, ҳаётини сақлаб қолиш эвазига 1.000.000 сўм беришини талаб қилишган. Б. эртага 400.000 сўм олиб келишини билдирганидан сўнг уни дарё бўйида қолдириб, воқеа жойидан яширинишган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2013 йил 10 апрелдаги хулосасида, Б.нинг танасида бош мия ёпиқ жароҳатланиши, бош мия чайқалиши, пешона қисми юмшоқ тўқималари лат ейиши каби жароҳатлар борлиги аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари қаттиқ тўмтоқ жисм таъсирида етказилганлиги, оғирлик даражаси бўйича соғ-

лиқнинг қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳатлари тоифасига кириши қайд этилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори тўртинчи бандида, товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозимлиги, агар қўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш Жиноят кодексининг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда қўрқитиш амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд Ж, А ва Қ.нинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 164-моддасидан шу кодекснинг 165-моддасига қайта квалификация қилиб, асослантилган ҳолда шартли жазо тайинлаган бўлсада, қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмай, судланганлар томонидан Б.га нисбатан амалга оширилган бошқа ҳаракатларга қонуний баҳо бермаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 24 апрелдаги ажрими билан қайд этилган ҳолатлар Жиноят процессуал кодексининг 484,488-моддаларига асосан қонун нормаларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилиб, Ж, А ва Қ. га нисбатан чиқарилган суд ҳукми, кассация инстанцияси ажрими ва раёсат қарори бекор қилиниб, иш янгидан судда кўриш учун юборилди.

ЖСХ 5-84-14 назорат иши

